



CHANGES IN THE EFFECTIVENESS OF SCIENTIFIC RESEARCH IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS IN THE EARLY YEARS OF INDEPENDENCE IN UZBEKISTAN

Utkirjon Kushmirzaevich Khoshimov

Doctor of Philosophy (PhD) in Historical Sciences, Associate Professor

Tashkent State Pedagogical University

Email: utkirjon.khoshimov@mail.ru

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Higher education institutions, scientific research, state contract, economic contract, scientific projects, patent.

Received: 25.01.24

Accepted: 27.01.25

Published: 29.01.25

Abstract: This article examines the changes that have occurred in the areas of scientific research in higher education institutions during the initial transition period of independence. In particular, the effectiveness of scientific research conducted by higher education institutions on the basis of state orders and economic contracts, the results achieved, existing problems, and issues related to the participation of higher education institutions operating in the regions of the republic in scientific research are analyzed.

ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ САМАРАДОРЛИГИ ЎЗГАРИШЛАР

Ўткиржон Қушмирзаевич Хошимов

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Тошкент давлат педагогика университети

Электрон манзил: utkirjon.khoshimov@mail.ru

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Олий таълим муассасалари, илмий тақиқот, давлат бюртмаси, ҳўжалик шартномаси, илмий лойиҳалар, патент.

Аннотация: Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида мустақилликнинг дастлабки ўтиш даврида илмий тадқиқот соҳаларида юз берган ўзгаришлар ўрганилган. Жумладан, олий таълим муассасаларининг давлат буюртмаси ва ҳужалик шартномалари асосида олиб борган илмий тадиқот ишлари

самарадорлиги, эришилган натижалар, мавжуд муаммолар, республика вилоятларида фаолият юритаётган олий таълим муассасаларининг илмий-тадқиқотлардаги иштироки билан боғлиқ бўлган масалалар таҳлил қилинган.

ИЗМЕНЕНИЯ В ЭФФЕКТИВНОСТИ НАУЧНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ В ПЕРВЫЕ ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Уткиржон Кушмирзаевич Хошимов

Кандидат философии (PhD) по историческим наукам, доцент

Ташкентский государственный педагогический университет

Электронная почта: utkirjon.khoshimov@mail.ru

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Высшие учебные заведения, научные исследования, государственный заказ, хозяйственный договор, научные проекты, патент.

Аннотация: В данной статье рассматриваются изменения, произошедшие в направлениях научных исследований в высших учебных заведениях в начальный переходный период независимости. В частности, анализируется эффективность научных исследований, проводимых высшими учебными заведениями на основе государственного заказа и хозяйственных договоров, достигнутые результаты, существующие проблемы, а также вопросы, связанные с участием высших учебных заведений, действующих в регионах республики, в научных исследованиях.

Инсоният тарихида маълумки, минг йиллардан буён илм-фан тараққиётнинг асосий пойдевори бўлиб келган. XX аср техника ва технологиялар асри деб номланиши, инсониятнинг коинотни тадқиқ қилиши, сув остини ўрганиши бу илм-фаннинг асосий ютуқларидан бири бўлди. Янги фундаментал фанларнинг ривожланиши ва амалиётга жорий этилиши билан жамият олдида турган турли муаммоларга ечим топилди. XXI асрга келиб илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш ва инновацияларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Дунёдаги ривожланган мамлакатлар ўз олдида нафақат маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларни бозорга олиб чиқишни, балки чуқур билим ва илмий ютуқларга асосланган инновацион иқтисодиётга ўтиш вазифасини қўймоқда. Яъни, ўз иқтисодиётини мавжуд табиий ресурсларни сарфлаш эвазига эмас,

инновацион маҳсулотлар яратиш, ўзлаштириш ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали ривожлантириш тараққиётнинг асосий омилига айланмоқда .

Шундан келиб чиқиб Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг олий таълим тизимида нафақат таълим бериш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларга мутахассислар тайёрлаш, балки, илм-фан соҳаларини ривожлантириш, олий ўқув юртларини илмий тадқиқот ўчоқларига айлантириш борасида бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Мустақиллик йилларида давлат томонидан илм-фан соҳаларида олиб борган сиёсати, соҳада юз берган ўзгаришларни тарихий нуктаи назарда ўрганиш ва тадқиқ этиш бугуннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки, Ўзбекистон тараққиёт йўлида қандай ютуқларга эришган бўлмасин барчасининг замирида илм-фан ва инсон интеллектула салоҳияти турибди. Бу эса ривожланишни юқори, ўрта ва паст даражада бўлишини белгиловчи асосий омил ҳисобланади.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб фан соҳалари бўйича илмий изланишларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Айнан бу даврда ёш мустақил республика олдида ички имкониятлардан келиб чиқиб ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш асосий вазифалардан бири эди. Шундан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий тадқиқот институтлари, турли вазирликлар ва уларга қарашли бўлган олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида илмий тадқиқот ишларини ривожлантиришга эътибор қаратилди.

Хусусан, 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли бўлган олий ўқув юртларида 1152 та мавзу бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Улардан давлат бюджети малбағи ҳисобига бажариладиган 248 илмий тадқиқот иши, маблағ билан таъминланиш умумий миқдори 45 млн, сўмдан зиёдни ташкил этди. 1991 йилда шу мақсадлар учун 20,1 млн. сўм ажратилган эди . Эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳат шундаки, мустақилликнинг дастлабки йилларида иқтисодий имкониятлар чекланганлигига қарамадан, 1991 йилга нисбатан 1992 йилда 24,9 млн. сўмга кўп маблағ илмий тадқиқотларни ривожлантиришга давлат бюджетидан ажратилди. Бу ўз навбатида 1992 йилда тадқиқотчиларнинг фаолияти уларнинг мултиплик гувоҳномалари ва ихтирочилик тақлифлари сонининг ўсишида ўз аксини топди. Вазирлик бўйича 1992 йилда 357 мултиплик гувоҳномалари ва ихтирочилик тақлифлари олинган .

Бундан ташқари 1992 йилда умумий миқдори 20 млн сўмдан зиёд 746 та хўжалик шартномалари бўйича илмий тадқиқот ишлари бажарилган. Ўтказилган илмий тадқиқотлар республика ва вилоятлардаги муҳим муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган. Булар орасида иқтисод, ижтимоий-сиёсий ва демократик жараёнларни мутаъдиллаштириш,

халқаро ҳуқуқ, ўзбек ва чет тиллари филологияси, озиқ-овқат, энергия тежамкорлиги, анъанадан ташқари тикланадиган энергия манбаларини ишга тушириш, нефт ва газни қайта ишлашни чуқурлаштириш, сув, минерал ресурслардан чиқитсиз фойдаланиш муаммоларни комплекс кўриб чиқиш, транспорт соҳалари ва бошқа фан тармоқлари бўйича илмий-изланишлар олиб борилган. Бу илмий изланишларда республиканинг баъзи олий таълим муассасалари етакчи ўринни эгаллаган. Масалан, 1992 йилда амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижасида олинган мултиплик гувоҳнолмалари ТошДТУ -128 та, ТАЙИ – 56 та, ТошКТИ – 47 тани ташкил этиб, республика олий таълим муассасалари орасида олдинги ўринларда бўлган. Бу олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари яхши йўлга қўйилганлигидан далолат беради, албатта.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 июлдаги “Илм-фанни ривожлантиришни ва инновация фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги 337-сон Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор ижроси бўйича вазирлик ҳамда Фан ва техника давлат қўмитаси билан ҳамкорликда илм-фан соҳаларининг устувор йўналишлари ва ривожлантириш истиқболлари белгиланди.

Шундан келиб чиқиб Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари режасининг асосий устувор вазифаларидан бири бу вилоятларда фаолият юритаётган олий таълим муассасаларида давлат бюджети ва хўжалик шартномалари асосида илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш эди. Бу вазифаларни амалга оширишга вилоятлардаги олий таълим муассасаларида алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, Андижон длат университетининг 1993 йилдаги илмий-тадқиқот ишлари самарадорлиги учун давлат бюджетидан 3 миллион 232 минг сўм ажратилди. Ушбу маблағнинг 1 миллион 616 минг сўми иш ҳақи учун, махсус курилмалар сотиб олиш учун 450 минг сўм, материаллар ва хом-ашё учун 520 минг сўм сарфланди. Жиззах политехника институтида 1993 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан илмий-тадқиқот ишлари учун маблағ ажратилмаган ва давлат бюджетидан маблағлари ҳисобида илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмаган. Бироқ 1993 йил май ойида институтда Жиззах вилояти ҳудудидаги табиий ресурслардан оқилона фойдланиш ва экологик ҳолатни яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни илмий асосларини ишлаб чиқиш мақсадида “Табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва оқилона фойдланиш” илмий техника лабораторияси фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу лаборатория ўз фаолиятини хўжалик шартномалари асосида олинган маблағлар ҳисобига молиялаштирилган. Жумладан, 1993 йилда лаборатория ўз штат жадвалига эга бўлиб, 11 нафар профессор-ўқиувчилар уч гуруҳга бўлинган ҳолда жами 6,5 млн. сўмлик хўжалик шарномаси асосида илмий-тадқиқот ишлари бажарилиши йўлга қўйилган. 1993 йилда 2,323 мил сўмлик ишлар бажарилган.

Ушбу институтни мустақилликнинг дастлабки йилида ташкил топганлигини инобатга олган ҳолда бу ерда хўжалик шартномаси асосида амалга оширилган илмий-тадқиқотлар ва улар натижаларидан олинган маблағларни миқдори жиҳатида институтда илмий-тадқиқот ишлари яхши йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Мустақилликнинг дастлабки йилида ташкил этилган Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари бўйича 1993 йилда Вазирлик томонидан маблағ билан таъминланадиган, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг Давлат илмий-техникавий дастурига кируви физика факультети қошида илмий-муаммоларни ўрганишга ихтисослаштирилган лаборатория ташкил этилди. Бу лаборатория “Иссиқхоналарнинг иссиқлик ҳолатларини олдиндан белгилаш усулларини ишлаб чиқиш ва шу асосда уларнинг асосий катталикларининг мақбул миқдоларини кўрсатиш” мавзусидаги илмий-тадқиқотлар олиб борилиб, тадқиқот учун давлат бюджетидан 300 минг сўм ажратилган. Афсуски, давлат бюджети ҳисобига университетда олиб бориладиган илмий ишлар шу билангина чекланади. Бунга қўшмича равишда 1993 йилда хўжалик шарномалари асосида университетда 1,5 миллион сўм ҳажмдаги ишлар бажарилди. Булар қуйидагилар: “Ўзанинг ўсишини ва ривожланишини тезлаштирувчи ҳамда пахта ҳосилдорлигини оширувчи янги, юқори самарали моддаларни яратиш ва уларни кишлоқ хўжалигига тадбиқ этиш” мавзусида, “Пахта ҳосилдорлигини оширишда қўлланиладиган химиявий препаратларни синтез қилиш”, “Хўжалик фаолиятини автоматлаштириш”, “Ўрта умумтаълим мактаблари информатика ўқитувчиларини компьютердан фойдаланишга ўргатиш ва қайта тайёрлаш” каби мавзулар тадқиқотлар олиб борилган. Университетда амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижасида профессор ва ўқитувчилари томонидан 8 та монография, 4 та дастур, 14 та методик қўлланма, 4 та дарслик, 7 та тўплам, 8 та рисола ва 320 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этилган. Бироқ таъкидлаш лозимки, мустақилликнинг дастлабки йилларида университет моддий-техник базасининг талабга жавоб бермасилиги илмий-тадқиқотларни тўлақонли амалга оширишга имкон бермаган.

Хусусан, Гулистон давлат университетида ҳисоблаш маркази, химия-биология фанлари бўйича ўқув лабораториялар мавжуд бўлишига қарамай, кенг кўламда тажриба ишлари олиб бориш мумкин бўлган илмий лабораториялар деярли мавжуд бўлмаган. Бундай лабораторияларни жиҳозлаш учун зарур бўлган ашё ва асбоб-ускуналарга маблағ етишмаган. 1992 йилда хўжалик шартномаси асосида тушган маблағдан биология кафедраси биохимик анализ лабораторияси учун 700 минг сўмга жиҳоз сотиб олган, холос. Шунинг учун илмий тадқиқотлар тажрибаларини ЎзР ФА илмий тадқиқот институтлари – биохимия, биорганика, қўёш физикаси, зоология институти ва бошқа институтлар илмий

лобароторияларида ўтказишга тўғри келган . Бу ўз навбатида илмий тадқиқотларни вақтида бажарилишига тўсқинлик қилган.

Наманган саноат-технологиялари институтининг илмий-тадқиқот ишлари бўйича 1993 йилда давлат бюджетидан ҳам корхоналар билан бивосита тузилган хўжалик шартномалари асосида ишларни амалга оширишдир. 1993 йилда давлат бюджетидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 800 минг сўм миқдорида ажратилган маблағ ҳисобига 1 та “Фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришнинг тежамкор ва экологик самарадор технологиясини яратиш” мавзусида ишни “Умумий кимё” кафедрасида бажарилган . Давлат бюджетидан бажарилган илмий-тадқиқот ишида “Қоратоғ фосфортларидан ўғит ишлаб чиқаришда кўп миқдорда фосфогипс чиқити ҳосил бўлади, сарф ҳаражат катта ва ўғит таркибида экологик ноқобул унсурлар кўп бўлмади. Яратилган янги технология бўйича олинган фосфорли ўғит таркибида эса зарарли компонентлар кескин камаяди. Бундан ташқари ишлаб чиқаришга сарф қилинадиган ҳам ашё маҳсулотлари ва энергия ресурслари 15 фоизга камайиши исботланган . Юқорида қайд қилинган ижобий ютуқлар билан бир қаторда камчилик ҳамда етишмовчиликлар бўлган. Масалан 1993 йилда хўжалик шартномаси асосида олиб борилган ишларда 25 та кафедрдан фақат 10 тасигина қатнашган. Иккинчидан, институт профессор-ўқитувчилари ва мутахассисликлар томонидан тайёрланган илмий мақола, дарслик ва қўлланмаларнинг салмоғи юқори даражада бўлмаган. Шунинг учун ҳам уларнинг амалиётга тадбиқ этилиши талабига жавоб бермайди. Учинчидан, кафедралар тасарруфидаги илмий тадқиқот ишлари ўтказиладиган хона, лабораториялар ва ўқув амалий машғулотлар олиб бориладиган хоналарнинг кўпи замонавий асбоб ускуна, автоматлаштирилган система ва ЭХМлари билан керакли даражада таъминланмаган. Тўртинчидан, талабаларнинг кафедра жамоаси амалга ошираётган ИТИда қатнашиш етарли даражада эмас . Мустақилликнинг дастлабки йилларида ташкил этилган, Ўзбекистон халқлари тарихи, тил, иқтисодий назариялар каби кафедралар шароитдан келиб чиқиб, иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар натижасида янги йўналишлар бўйича ўз фаолиятларини қайта ташкил этган ва илмий тадқиқот самарадорлиги юқори бўлмаган .

Қарши давлат университетида илмий-тадқиқот ишлари бўйича 1993 йилда 45 та кафедра, 2 илмий лаборатория, 3 та махсус лаборатория ва 2 та илмий ишлаб чиқариш марказида олиб борилган бўлиб, давлат бюджетидан 3 млн. 784 сўмлик, хўжалик шартномаси асосида 3 млн 563 сўмлик илмий тадқиқот ишлари бажарилган . Қарши давлат университетида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари самарадорлиги бўйича кўрсаткичлари бошқа олий таълим муассасаларига нисбатан юқори бўлган. Бунга имкон

берган омил эса, университетда илмий тадқиқот ишлари учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда илмий лабораторияларнинг мавжудлиги бўлган.

Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари бўйича 1993 йилда давлат бюджетидан 99 мавзу бўйича 75473,0 минг сўмлик, хўжалик шартномаси мазуси 9 та мавзу бўйича 7116,0 минг сўмлик ишлар бажарилган . Илмий тадқиқот натижаларида 12 муаллифлик гувоҳномалари, 1 та патент олинган бўлиб, 6 та монография, 641 та мақола чоп этилган . Университетда жаҳон бозорида чет эл маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган маҳсулотлар ва технологияларни яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилган. Жумладан, “Пахта уруғини экиш олдидан ишлов бериш технологияси”, “Шишасимон ўғит, Экологик тоза ва ҳосилдорликни анча кўтарадиган кўп муддат (5-8 йил) давомида таъсир қилувчи ўғит”, “Тоғ жинсларида уран мавжудлигини аниқлаш технологияси” каби мавзулар ташкил этган .

Қорақолпоқ давлат университетида эса 1993 йилда илмий-тадқиқот ишлари 73 та мавзу бўйича олиб борилган. Улардан 8 таси давлат бюджетидан, 15 хўжалик шартномалари асосида бажарилди. Қолган 50 та мавзу ўқитувчилар ташаббуси асосида бажарилди. Иқтисодий самарадорлик 1993 йил охирига келиб 26 млн. 850 минг сўмни ташкил этган. Давлат бюджети 10 млн 235 минг, хўжалик шартномалари 6 млн, 915 минг сўм, қолганлари тижорат фаолияти натижасида олинган маблағлар ташкил этади .

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида 1993 йилда илмий-тадқиқот ишлари давлат бюджетидан 10587,0 минг сўмлик, хўжалик шартномалри асосида 550,0 минг сўмлик илмий изланишлар олиб борилган . Олиб борилган илмий тадқиқот натижалари университет профессор-ўқитувчилар томонидан нашр қилинган 9 та монография, 25 та дарслик, 197 та мақола ва тезислар, 4 та илмий тўпламларда ўз аксини топган .

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошланган ислохотлар 1994 йилда ҳам давом этди. Бу вақтга келиб, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришда илм-фаннинг ўрнини ҳисобга олиб устувор фан тармоқларини ривожлантиришга ва илмий тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилди. Илмий-техникавий тараққиётнинг устувор йўналишларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, нефт, газ ва қимматбаҳо металлларни қазиб олиш ва қайта ишлаш технологияларини яратиш, тиббиёт, экология, ижтимоий соҳа, иқтисод фанлари, аҳолини комплекс муҳофаза қилиш, информатига ва ижтимоий-гуманитар соҳалар шулар жумласидандир.

Хусусан, 1994 йилда фан-техника соҳаларидаги илмий тадқиқотларни ривожлантиришга 122,8 млн. сўм ажратилди . Ушбу маблағларнинг тақсимланиши қуйидагича бўлган. Жумладан, 54,3 фоизи (34 та дастур ва лойиҳалар, ажартилган маблағ

66,7 млн. сўм) давлат илмий-техник дастурларига, 18,2 фоизи (8 та дастур ва лойиҳалар, ажартилган маблағ 22,3 млн. сўм) фундаментал илмий тадқиқот дастурларига, 14,7 фоизи (9 та дастур ва лойиҳалар, ажартилган маблағ 18,1 млн. сўм) истиқболли давлата илмий-техник дастурларга, 10,3 фоизи (319 дастур ва лойиҳалар, ажартилган маблағ 12,6 млн. сўм) танлов асосидаги илмий-техника дастурлар, 2,5 фоизи (122 дастур ва лойиҳалар, ажартилган маблағ 3,1 млн. сўм) танлов асосидаги фундаментал дастурлар молиялаштирилган. Бундан билиш мумкинки, мустақилликни дастлабки йилларида илмий-техник тадқиқотларда давлат бюртмаси асосида бажарилган лойиҳалар билан бирга танлов асосида лойиҳаларни молиялаштиришга ҳам катта эътибор қаратилган.

Ушбу фан-техника дастурлари ва лойиҳаларига ажратилган маблағларнинг фан соҳалари бўйича тақсимланиши қуйидагича бўлган. Жумладан, химия, физика, астрономия, информатика фан соҳалари учун 34,5 млн. сўм (32,1 фоиз), агросаноат мажмуаси учун 23,1 млн. сўм (21,7 фоиз), биология ва тиббиёт соҳалари учун 14,8 млн. сўм. (13,8 фоиз), гуманитар фанлар учун 10,6 млн. сўм (10,0 фоиз), атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун 8,6 млн. сўм (8,1 фоиз), янги асбоб-ускуналар ва технологиялар учун 7,9 млн. сўм. (7,4 фоиз), бозор иқтисодиёти асослари бўйича 7,6 млн. сўм (7,1 фоиз) маблағ давлат бюджетидан йўналтирилган. Бундан билиш мумкинки, фан соҳалари бўйича дастур ва илмий лойиҳаларга давлат бюджетидан молиялаштирилишида аниқ фанлар ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги фанларга мустақилликнинг дастлабки йилларидан устувор аҳамият берилган.

Бу вақтга келиб Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги катта илмий салоҳиятга эга эди. Жумладан, республикадаги жами фан докторларининг 30,0 фоизи, фан номзодларининг 35,8 фоизи олий таълим муассасаларида фаолият олиб бориб, илмий салоҳият бўйича вазирлик республика ташкилотлари орасида биринчи ўринда бўлган. Илмий салоҳият бўйича Фанлар академияси 22,5 фоиз фан докторлари, 12,5 фоиз фан номзодларини ўзида жамлаган бўлиб, вазирлик ва ташкилотлар кесимида учинчи ўринда бўлган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўзида катта илмий салоҳиятни жамлаган бўлишига қарамасдан, бунга акс равишда давлат илмий техник дастурларда иштироки юқори бўлмаган.

Хусусан, Республика бюджетидан молиялаштирилган илмий-техник дастур ва лойиҳалар бажарилишини вазирлик ва ташкилотлар кесимида тақсимланиши қуйидагича бўлган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси 45,5 фоиз, Қишлоқ хўжалик академияси 17,6 фоиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги 8,1 фоиз, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 7,8 фоиз, бошқа вазирлик ва идоралар 21,0 фоизни ташкил этган. Юқорида келтирилган рақамлардан билиш мумкинки, илмий-техника дастур ва лойиҳалар доирасида

олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг катта қисми Фанлар академияси томонидан олиб борилган. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги илмий-техник дастурлар ва лойиҳаларни бажариш бўйича республикада тўртинчи ўринда бўлиб, илмий тадқиқотларда катта ўринга эга бўлмаган. Бу мастақилликдан олдин шакланган салбий тенденциялардан бир бўлган. Шу сабабдан ҳам юқорида келтирилган олий таълим муассасаларида давлат бюртмаси ва хўжалик шартномалари асосида олий борилган илмий тадқиқот лойиҳалар ушбу олий таълим муассасаларининг ихтисослиги муҳим аҳамиятга эга бўлган. Яни давлат томонидан қайси фан тормокларининг ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилган бўлса, шу ихтисосликдан келиб чиқиб, дастур ва илмий лойиҳаларни бажариш учун олий таълим муассасалари томонидан сайи-ҳаракатлар амалга оширилган. Бундан ташқари олий таълим тизимида илмий техник дастурларда иштирок этиш кўрсаткичларининг пастлиги бўлишининг асосий сабабларидан бири, олий таълим муассасалари талаба ва профессор-ўқитучиларини ойлаб қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилинганлиги, ундан сўнг ўқув юкломаларини тифизлаштирган ҳолда бажаришга ҳаракат қилинганлиги билан боғлиқ бўлди. Чунки, бундай вазиятда олий таълим муассасаларида тадқиқотчиларга яратилган шароит ва вақт масаласида қийинчиликлар юзага келган.

Мустақилликдан олдинги даврда республиканинг бази вилоятларини иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ривожланишига алоҳида эътибор қаратилиши оқибатида илм-фан соҳаларида ҳам марказлашуви кузатилди. Жумладан, Тошкент шаҳрида республикадаги жами фан докторларининг 76,2 фоизи, фан номзодларининг 63,1 фоизи, Самарқанд вилоятида мос ҳолда 10,5 фоиз, 12,5 фоиз, Андижон вилоятида 3,1 ва 4,2 фоиз, Фарғонада 2,2 ва 3,8 фоиз, Бухорода 2,2 ва 3,1 фоиз, Қорақалпоғистонда 1,5 ва 3,0 фоизни ташкил этган ҳолда қолган вилоятларда 4,3 ва 10,3 фоиз илмий салоҳиятли олимлар фаолият юритган. Илмий салоҳиятли олимлар Навоий, Хоразм, Сурхондарё, Наманган, Жиззах, Сирдарё вилоятларида фан доктори ва фан номзодлари билан таъминланганлик кўрсаткичлари паст бўлган. Бунинг асосий сабабларидан бири, иттифок даврида ушбу вилоятларда олий таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш борасида амалий ишлар амалга оширилмаганлигида эди. Оқибатда, ушбу вилоятларда илм-фан ва илмий салоҳият борасида орқада қолиш, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожига салбий таъсир кўрсатди. Бундай вазиятни олидини олиш республика вилоятларида жойлашган олий таълим муассасаларини сонини ошириш ва уларнинг илмий-тадқиқот самарадорлигига эътибор қаратиш лозим бўлади, албатта.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мустақилликнинг дастлабки йилларида олий таълим муассасаларида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари республикада муҳим бўлган муаммоларни ҳал этишга қаратилди. Шундай бўлишига қарамасда барча олий таълим

муассасалари бу жараёнда тўлақонли иштирок этмаган. Бунинг сабаби республиканинг баъзи вилоятларида олий таълим муассасаларининг сони камлиги, моддий-техник базанинг ночорлиги, олий таълим муассасалари ва илм-фан соҳаларининг марказлашувини келтириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O’zbekiston”, 2021. – Б. 237.
2. Ўз МА. М-130-фонд, 1-рўйхат, 130-йиғма жилд, 82-варақ.
3. Ўз МА. М-130-фонд, 1-рўйхат, 137-йиғма жилд, 35-варақ.
4. Ўз МА. М-130-фонд, 1-рўйхат, 130-йиғма жилд, 83-варақ.
5. Ўз МА. М-130-фонд, 1-рўйхат, 137-йиғма жилд, 35-варақ.
6. ЎРҚММБ <https://lex.uz/ru/docs/479162> (Мурожат этилган сана. 23.05.2019)
7. Ўз МА. М-130-фонд, 1-рўйхат, 147-йиғма жилд, 4-варақ.
8. Ўз МА. М-130-фонд, 1-рўйхат, 153-йиғма жилд, 6-варақ.
9. Ўз МА. М-130-фонд, 1-рўйхат, 152-йиғма жилд, 3-варақ.
10. Ўз МА. М-130-фонд, 1-рўйхат, 152-йиғма жилд, 4-варақ.
11. Ўз МА. М-130-фонд, 1-рўйхат, 152-йиғма жилд, 5-варақ.
12. Ўз МА. М-130-фонд, 1-рўйхат, 152-йиғма жилд, 20-варақ.
13. Ўз МА. М-130-фонд, 1-рўйхат, 152-йиғма жилд, 36-варақ.
14. Ўз МА. М-130-фонд, 1-рўйхат, 156-йиғма жилд, 6-варақ.
15. Ўз МА. М-130-фонд, 1-рўйхат, 156-йиғма жилд, 17-варақ.
16. Ўз МА. М-130-фонд, 1-рўйхат, 156-йиғма жилд, 8-варақ.
17. Ўз МА. М-130-фонд, 1-рўйхат, 156-йиғма жилд, 16-варақ.
18. Ўз МА. М-130-фонд, 1-рўйхат, 155-йиғма жилд, 11-варақ.
19. Ўз МА. М-130-фонд, 1-рўйхат, 155-йиғма жилд, 74-варақ.
20. Ўз МА. М-130-фонд, 1-рўйхат, 157-йиғма жилд, 78-варақ.
21. Ўз МА. М-130-фонд, 1-рўйхат, 157-йиғма жилд, 77-варақ.
22. Ўз МА. М-130-фонд, 1-рўйхат, 157-йиғма жилд, 73-варақ.
23. Ўз МА. М-130-фонд, 1-рўйхат, 154-йиғма жилд, 2-3-варақлар.
24. Ўз МА. М-130-фонд, 1-рўйхат, 164-йиғма жилд, 160-варақ.
25. Ўз МА. М-130-фонд, 1-рўйхат, 164-йиғма жилд, 163-варақ.
26. Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлар миллий архиви. М-451-фонд, 1-рўйхат, 16-йиғма жилд, 5-варақ.
27. Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлар миллий архиви. М-451-фонд, 1-рўйхат, 16-йиғма жилд, 5-варақ.
28. Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлар миллий архиви. М-451-фонд, 1-

- рўйхат, 16-йиғма жилд, 6-варақ.
29. Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлар миллий архиви. М-451-фонд, 1-рўйхат, 16-йиғма жилд, 25-варақ.
 30. Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлар миллий архиви. М-451-фонд, 1-рўйхат, 16-йиғма жилд, 6-варақ.
 31. Ўз МА. М-130-фонд, 1-рўйхат, 448-йиғма жилд, 16-варақ.
 32. Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлар миллий архиви. М-451-фонд, 1-рўйхат, 16-йиғма жилд, 26-варақ.